

Талабалар турар жойида ички тартиб қоидалари

ГМ факультети хотин қизлар кенгаш раҳбари З.Ф.Бекназарова ва кенгаш аъзолари томонидан 2021 йил 1-феврал куни 4-сонли талабалар турар жойида қизлар ўртасида «Талабалар турар жойи ички тартиб қоидалари» тўғрисида давра суҳбати ташкил этилди. Ўтказилган давра суҳбатидан кўзланган мақсад талабалар турар жойида яшовчи қизларнинг кийиниш, муомала маданияти, ахлоқий қадриятлар, ҳамда шахсий ва умумий гигиена ҳақидаги билимларини кенгайтиришдир. Шу билан бирга йиғилган қизларга ҳозирги вақтда Президентимизнинг алоҳида эътибор қаратаётган диний қадриятларимизда кўзда тутилган одоб-ахлоқ меъёрлари ҳақида қўшимча маълумотлар берилди. Бу маълумотларни қизларга тушунтириш ёшларни оммавий маданият таъсирларидан ҳимоя қилиш таълим муассасасининг асосий вазифаларидан биридир.



ТИҚХММИ матбуот хизмати